

АНДИЖОН ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил октябрь ойининг 9 кунини, Андижон вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: Ш.Назирова,

ҳайъат судьялари: М.Туланов ва Ф.Собировдан иборат таркибда, судья қатнашувчиси С.Қобуловнинг котиблигида, Андижон вилояти прокуратураси бўлим прокурори Ш.Нурова, судланган У.Жўраев, химоячи Т.Мадаминов, жабрланувчилар У.Милиев, М.Ғуломов ва Б.Кахаровларнинг иштирокида, судланган У.Жўраевга оид жиноят ишлари унинг химоячиси билан биргаликда келтирилган апелляция шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2025 йил 29 июлдаги ҳукмига кўра:

1989 йил 26 мартда Андижон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, уйланмаган, муқаддам:

- 1) жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2022 йил 24 февралдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддаси тартибида ярашганлиги муносабати билан тугатилган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 2023 йил 24 февралдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддаси тартибида ярашганлиги муносабати билан тугатилган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2023 йил 20 декабрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят



иши ЖКнинг 66¹-моддаси тартибида ярашганлиги муносабати билан тугатилган;

4) жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг 2025 йил 8 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида 17.000.000 сўм жарима жазосига судланган, жарима тўланмаган, мавсумий ишчи, Андижон шаҳар, 5-кичик даҳа, 10-уй, 41-хонадонда яшаган, эҳтиёт чораси тариқасида 2025 йил 12 майдан қамокда сақланган Жўраев Улуғбек Бахтиёржонович

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан 2 йил озодликни чеклаш, 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан 2 йил моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида 17.000.000 сўм жарима, 2 йил моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазо умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Судланувчи У.Жўраевдан жабрланувчилар У.Мириевга 7.100 АҚШ долларига тенг 88.851.814 сўм, М.Ғуломовга 500 АҚШ долларига тенг 6.257.170 сўм, Б.Кахаровга 1.000.000 сўм, Р.Мўминовга 500.000 сўм моддий зарарлар ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланган У.Жўраев ўзига тегишли “Lasetti” русумли 60Т049ХА давлат рақамли автомашинасини фуқаро У.Мириевга 7.100 АҚШ долларига сотишга келишиб, 2023 йил 23 сентябрдан 1 октябрга қадар У.Мириевдан жами 83.428.712 сўм миқдордаги пулларни қўлга киритиб, автомашинани унинг номига расмийлаштириб бермасдан, У.Мириевнинг анча миқдордаги 83.428.712 сўм маблағларини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганликда;

-бундан ташқари, судланган У.Жўраев ўзига тегишли “Lasetti” русумли 60Т049ХА давлат рақамли автомашинасини таниши У.Мириевга сотиб юборган бўлса-да, бироқ, 2025 йил январь ойида ушбу автомашинани 8.200 АҚШ долларига сотилиши ҳақида “телеграмм” ижтимоий тармоғининг “Авто эълон” каналига фото суратини жойлаб, фуқаро М.Ғуломовни ишончини суиистеъмол қилиб, М.Ғуломовдан олдиндан 6.478.505 сўмга тенг 500 АҚШ долларини қўлга киритиб, пулларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб, такроран ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганликда;

-бундан ташқари, судланган У.Жўраев жинойий ҳаракатларини давом эттириб, 2025 йил март ойида фуқаро Б.Кахоровнинг ишончини суиистеъмол қилиб, келгусида ўзи яшаб келаётган Андижон шаҳар, “Қоратут” МФЙ 10-уй 41-хонадонини унга ҳар ойига 2.000.000 сўмдан ижарага қўйишини ваъда қилиб, олдиндан 1.000.000 сўм миқдоридаги пулларни олиб, Б.Кахоровни



ижарага қўймасдан пулларини шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юбориб, такроран ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганликда;

-бундан ташқари, судланган У.Жўраев жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2025 йил 8 апрелда таниши Р.Мўминовнинг ишончини суистеъмол қилиб, унга бошқа бир фуқародан “Ваз-2107” русумли 60С792РА давлат рақамли автомашинасини сотиб олаётганлигини, ушбу автомашинада мавжуд бўлган магнитофон ва колонкаларини унга сотишини айтиб, ундан 500.000 сўм миқдоридоги пулларни олиб, пулларни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб, такроран ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганликда;

-бундан ташқари, У.Жўраев 2025 йил 9 майда интернетнинг “Youtube” ижтимоий тармоғида “Ulugbek Ashur (Denovich)” (www.youtube.com@Oqtepa2000) каналида ғаразғўйлик ва бошқа паст ниятларда “Негатив 520: Андижон вилояти ҳокими ҳақида компромат бор гапми ёки тузоқми?” номли видеоматериал эълон қилиш орқали Андижон вилояти ҳокимлиги мансабдор шахсларини ўта оғир жиноят содир этганликда асоссиз айблаб, уни шарманда қиладиган уйдирмаларларни интернет ижтимоий тармоқлари орқали тарқатиб, тухмат қилганликда айбли деб топилган.

Судланган У.Жўраев химоячиси билан биргаликда келтирган апелляция шикоятда жазонинг адолатсизлиги, оилавий шароити ва оиласининг ягона боқувчиси инобатга олинмаганини кўрсатиб суд ҳукмини ўзгартиришни ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраган.

Жабрланувчилар Р.Мўминов, Б.Жобборов, Б.Абдурахмонов, И.Мириев ва Б.Кахаровлар ўз эътирозномаларида шикоят билан танишганини билдиришиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни сўрашган.

Апелляция инстанцияси суди иш бўйича вилоят суди судьяси Ш.Назировнинг маърузасини, судланган У.Жўраев ва химоячи Т.Мадаминовнинг апелляция шикоятини қаноатлантириш, жабрланувчилар У.Мириев, М.Ғуломов ва Б.Кахаровларнинг ишни қонуний ҳал қилиш, прокурор Ш.Нурованинг апелляция шикоятини қонунга мувофиқлаштириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятлардаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топди.

Биринчи инстанция суди, иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланган У.Жўраевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби, унинг дастлабки тергов ва биринчи инстанция суди мажлисида қилмишига иқдор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчилар У.Мириев, М.Ғуломов, Б.Кахаров ва Р.Мўминов, Б.Абдурахмонов, жабрланувчининг қонуний вакили Б.Жобборов, М.Увайсовнинг кўрсатуви, кўздан кечириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари ва илова қилинган фотожадваллар, детализация, телеграм ёзишмалари ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан



исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келиб, судланган У.Жўраевнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари ва 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди, судланган У.Жўраевга жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига ҳамда Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридан берилган тушунтиришларга риоя қилиб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, етказилган зарарлар қопланмаганини эътиборга олиб, У.Жўраевга ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан модда санкциясида кўрсатилган озодликни чеклаш, 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан модда санкциясида кўрсатилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш, жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 59-моддаси тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида адолатли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги;

ЖПКнинг 491-моддасида, ишни апелляция, кассация, тафтиш тартибида кўриб чиқаётган суд етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги тўғрисидаги тегишли моддаси нормасини қўллаш учун асослар аниқланган тақдирда ҳукми ўзгартириши кўрсатилган.

Шу ўринда, Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги Қарорининг 9-бандида, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра ЖКнинг 167, 168, 170, 184-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун-жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши муносабати билан қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган шарт бажарилган ҳолларда тегишли апелляция, кассация инстанцияси суди, моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъий назар, қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси тури, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Апелляция инстанциясида судланган У.Жўраев, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, айбига иқроп ва қилмишидан пушаймондалигини, жиноят оқибатида етказилган зарарлар оила аъзолари



томонидан қопланганини, ўзига тегишли хулоса чиқарганини билдириб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни сўраб;

жабрланувчи У.Милиев видеоконференцалоқа воситаси орқали суд ҳукми билан унга ундириш белгиланган 88.851.814 сўм зарар судланган У.Жўраевнинг оила аъзолари томонидан қоплангани, судланганга нисбатан даъвоси йўқлиги, ишни қонуний ҳал қилишни сўраб;

жабрланувчи М.Ғуломов видеоконференцалоқа воситаси орқали суд ҳукми билан фойдасига 6.257.170 сўм моддий зарар ундириш белгилангани, зарар қопланса судланган У.Жўраевга ҳеч қандай эътирози йўқлигини, ишни қонуний ҳал қилишни сўраб;

жабрланувчи Б.Кахаров видеоконференцалоқа воситаси орқали суд ҳукми билан фойдасига 1.000.000 сўм моддий зарар ундириш белгилангани, зарар қопланса судланган У.Жўраевга ҳеч қандай эътирози йўқлигини, ишни қонуний ҳал қилишни сўраб кўрсатув беришган.

Апелляция инстанцияси судида, судланган У.Жўраевдан жабрланувчи У.Милиевга ундириш белгиланган 88.581.814 сўм миқдордаги моддий зарар қоплангани жабрланувчининг апелляция инстанцияси судидаги кўрсатувидан ташқари, ҳимоячи томонидан тақдим қилинган ДВД диск ҳамда 7.930.000 сўм судлар фаолиятини таъминлаш Департаментининг Андижон филиалидаги депозит ҳисоб-рақамига топширилгани ҳақидаги тўлов квитанциялари билан ҳам тасдиқланди.

Бундай ҳолатда, апелляция инстанцияси, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрнини тўлиқ бартараф қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶-моддаси 1-қисми 7-бандига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра, ҳукми ўзгартириш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати судланган У.Жўраевга оид суд ҳукмини ўзгартириб, унга нисбатан жазо тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан қонун санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, 139-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдиришни, жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида озодликни чеклаш, ҳукмлар мажмуи бўйича ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида жарима ва озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, уни суд залида қамоқдан озод қилишни, ЖКнинг 62-моддасига асосан У.Жўраевнинг қамоқда сақланган кунларини тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегиришни, жабрланувчи У.Милиевга етказилган моддий зарар қопланганлиги инобатга олишни, судлар фаолиятини таъминлаш Департаментининг Андижон филиалидаги депозит ҳисоб-рақамига топширилган 7.930.000 сўм пул маблағлари жабрланувчи М.Ғуломовга, Б.Кахаровга ва Р.Мўминовларга қайтаришни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 491,495, 497¹⁷-497¹⁸, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жўраев Улуғбек Бахтиёржоновичга нисбатан чиқарилган Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2025 йил 29 июлдаги ҳукми қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда ўзгартирилсин.

У.Жўраевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 139-моддаси 3-қисми “а,г” бандлари билан тайинланган жазо ўзгаришсиз қолдирилиб, 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг йигирма фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 2 йил 6 ой иш жойигача бориши ва уй жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уйдан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида 17.000.000 сўм жарима ва 2 йил 6 ой иш жойигача бориши ва уй жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уйдан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан У.Жўраевнинг 2025 йил 12 майдан 2025 йил 9 октябрга қадар қамоқда сақланган 158 кун тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегириб, ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида 17.000.000 сўм жарима ва 2 йил 22 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, жазо ўташ муддати У.Жўраев жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

У.Жўраевга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва у дарҳол суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчи У.Милиевга етказилган моддий зарар қопланганлиги инобатга олинсин.

Судлар фаолиятини таъминлаш Департаментининг Андижон филиалидаги депозит ҳисоб-рақамига топширилган 7.930.000 сўм пул маблағлари жабрланувчи М.Ғуломовга, Б.Кахаровга ва Р.Мўминовларга қайтарилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин, апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

Ш.Назиров

Ҳайъат судьялари:

М.Туланов

Ф.Собиров

